

РАҚАМЛИ ШАҲАР ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МУАММОЛАРИ

Голибжон Шарифович Тоғаев

Тошкент давлат транспорт университети, техника фанлари ф.д., (PhD)

Э-пошта: golibjon.togaev@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада замонавий жамоат транспортини ривожлантириш орқали шаҳарлардаги экологик вазиятни яхшилаш масалалари мухокама қилинган. Мақола шаҳар транспортининг техник ва эксплуатацион кўрсаткичларини яхшилаш, ҳамда йўл транспорт ҳодисаларини камайтиришга қаратилган илмий тадқиқотларга эътибор қаратган. Транспорт фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда рақамли технологияларнинг аҳамиятини ургулаган ҳамда шаҳар жамоат транспортини яхшилаш учун замонавий ва илмий асосланган ечимларни таъминлаш зарурлигини таъкидланган.

Калит сўзлар: рақамли шаҳар, жамоат транспорти, экологик вазият, техник кўрсаткичлар, йўл транспорт ҳодисалари, рақамли технологиялар, илмий тадқиқот, транспорт бошқаруви.

PROBLEMS OF IMPLEMENTATION OF DIGITAL CITY PUBLIC TRANSPORT

ABSTRACT


The article discusses the issues of improving the environmental situation in cities through the development of modern public transport. The article focuses on scientific research aimed at improving the technical and operational performance of urban transport and reducing road traffic accidents. It emphasizes the importance of digital technologies in the organization and management of transport activities and the need to provide modern and science-based solutions to improve urban public transport.

Keywords: digital city, public transport, environmental situation, technical indicators, road traffic incidents, digital technologies, scientific research, transport management.

Илм-фан, техника-технология тараққиёти инсоният яшаш тарзини қанчалик ривожлантириб бормасин амалга

оширилган ишлар чукур сархисоб қилинганда фан ва технология олдига янгидан-янги долзаб муаммолар пайдо бўлиб боради. Замонавий транспорт воситалари кашф этилганига қарийиб бир асрдан ошган бир вақтда инсоният ўзи яратган транспорт воситалари ёрдамида мисли кўрилмаган янги имкониятларни қўлган киритди. Космосга парвоз, океан ҳамда денгиз ости ва усти бўйлаб қатнов, ақл бовар қилмас даражада тезликга эришилган бўлсада бу имкониятларнинг салбий таъсири натижасида инсон учун зарур бўлган биргина тоза ҳаво борган сари ечиб бўлмас катта муаммога айланиб бормоқда. Сўнги йилларда олиб борилган глобал муаммоларнинг энг долзарб йўналишларидан бири бу шаҳар жамоат транспортини жадал ривожлантириш ёрдамида шаҳар ҳудудида экологик вазиятни яхшилаш бўлиб қолмоқда. Йирик шаҳарларда мавжуд жамоат транспорти муаммоларини бартараф этишга қаратилган илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари тежамкор автотранспорт воситаларини яратиш, уларнинг техник эксплуатацион кўрсаткичларини яхшилаш, шаҳар ҳудудида автотранспорт воситалари сонининг кескин ошиб кетиши ҳамда йўл транспорт ҳодисалари олдини олиш ва ҳакозолардан иборат. Бироқ шаҳар ҳудудида экологик вазиятни яхшилаш комплекс чора-тадбирларни талаб этиши сир эмас. Биргина йўловчи ва юк ташиш фаолиятини тартибга солиш бўйича соҳа истилоҳида қисқача атама билан “Шаҳар жамоат транспорт формуласи” иштирокчилари гурухини белгилаш (1-расм), уларнинг белгиланган техник талабларга кўра асосий кўрсаткичлари, тури, вазни ва миқдор жихатдан ўзаро сабаб-оқибат муносабатларини аниқлаш узлуксиз сифатли хизмат кўрсатишида муҳим рол ўйнайди.

ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ФАОЛИЯТИ ИШТИРОКЧИЛАРИ



1-расм: Шаҳар жамоат транспортининг шартли формуласи

Транспорт фаолиятининг асосий ташкил этувчилари бўлган ҳайдовчи, транспорт воситаси, йўл, юк ва йўловчи, пиёда, атроф мухит кабиларнинг ҳар бирининг талаб этилган сифат кўрсаткичларига эришиш даражасини узлуксиз ва тадрижий кузатиб бориш, зарур ҳолларда ўз вақтида техник қўллаб қувватлаш, уларнинг

ўзаъро таъсир муносабатлари натижасида юзага келаётган салбий ўзгаришларга илмий асосланган таҳлилий хулоса бериш учун соҳанинг барча йўналишлари ва бўғинларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш, замановий BigData каби маълумотлар базаларини яратиш, замонавий бошқарув технологияларини яратиш кечиктириб бўлмас чора-тадбирга айланишга улгурди. Шаҳар ҳудудида транспорт фаолиятини яхшилаш бўйича соҳа йўналишларида тинимсиз ҳаракатлар олиб борилиб ижобий натижаларга эришилмоқда. Бироқ бир йўналишда амалга оширилган амалий тадбирлар натижасида эришилган ижобий натижага бошқа йўналишлардаги вазиятнинг ўз вақтида ижобий натижага эриша олмаётганлиги сабабли якунда умумий ҳолат ўзгаришсиз қолиши, айрим ҳолларда кўплаб чора-тадбирлар самарасиз бўлиб қолаётганлиги кузатилмоқда. Мисол учун йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида харид қилинаётган замонавий автобуслар шаҳар ҳудудидаги қўчайўл тармоғининг барча бўлакларида ҳолат талаб этилган даражада эмаслиги, ҳаракат интенсивлиги мувозанати тизимлаштирилмаганлиги, атроф муҳитнинг сальбий таъсири натижасида улардан фойдаланишда кутилган натижага бермаябди. Энг ачинарлиси шаҳар жамоат транпорти инвестицион муҳитининг жозибадорлиги паст даражада қолишига таъсир этмоқди. Бутун дунёда шаҳар жамоат транспортида хизмат кўрсатишни бозор иқтисодиётига асосланган рақобат муҳитида ташкил этиш учун брутто шарти асосидаги механизм самарали бўлиб келмоқда (2-расм).

Брутто-шарти асосида фаолиятни ташкил этишда иштирокчиларнинг мажбурият ва ҳуқуқ чегаралари белгилаш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва илмий асосланган хулоса беришда транспорт формуласи иштирокчилари фаолиятини доимий кузатиш, кўрсаткичларни вақт бирлигига ҳудуд кесимида рўйхатга олиш, архивлаш, қайта ишлаш натижасида замонавий истиқболли ечимларни таъминлаш учун соҳани рақамлаштириш зурурати ортиб бормоқда. Брутто-шарти асосида хизмат кўрсатувчиларга биргина кўрсаткич, яъни босиб ўтилган йўл учун тўловни амалга ошириш шаҳар ҳудуди бўйлаб кўча йўл тармоқларидаги вазиятнинг ўзаъро тубдан фарқ қилиши, ҳаракат интенсивлигининг ўзгариш динамикасининг ҳисобга олиш мураккаблиги натижасида бажарилган хизматнинг ҳақиқий нархини белгилашда номутаносибликлар келтириб чиқармоқда. Бу эса ўз навбатида йўловчи ташиш фаолиятига инвестиция киритиш истагида бўлган хусусий сектор учун хавф бўлиб кўринмоқда.



2-расм: Брутто-шарти иштирокчиларининг функционал вазифалари

Юқоридаги мавжуд муаммоларни тизимли бартараф этиш учун шаҳар жамоат транспорти фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга масъул бўлган буюртмачи томонидан соҳа фаолиятининг асосий ташкил этувчилар гурухини уларнинг ўзаъро таъсир чегараларини аниқ белгилаган ҳолда белгилаш, уларнинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини вақт, худуд, меъёр кесимида рўйхатга олиш бўйича ракамли маълумотлар базасини яратишни ташкил этиш энг муҳим чора-тадбир бўлиб қолмоқда (3-расм).

Хулоса ўрнида шуни такидлаб ўтиш мумкинки шаҳар жамоат транспорти фаолиятини сифатли ташкил этишга соҳада тизимли илмий тадқиқот олиб бориши, олинган натижаларни босқичма босқич фаолиятга тадбиқ этиш билан мураккаб муаммоларга самарали ечим топиш орқали эришиш хеч кимга сир эмас. Бу учун энг аввало масъул буюртмачи давлат ташкилоти бутун фаолият бўйича керакли кўрсаткичларни миқдор ва вазн кўринишида вақт ва худуд кесимида узлуксиз инобатга оловчи ягона ахборотлар базасини яратиши зарур ҳисобланади. Бунинг натижасида соҳанинг рақобат майдонига айланган инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилувчи ишончли ва кафолатланган маълумотлар тақдим этилишига эришиш мумкин.



3-расм: Рақамли бошқарув

REFERENCES

- Ahmed L, Mumford CL, Kheiri A (2019) Solving urban transit route design problem using selection hyper-heuristics. Eur J Oper Res 274(2): 559–6.
- Poorzahedy H, Safari F (2011) An ant system application to the bus network design problem: an algorithm and a case study. Public Transp 3(2): 287–6.
- Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти рақобатдошлиги: ташкилий-иктисодий механизмлар/ Монография. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2013. 256 б.
- Мамаев Э.А., Ковалева Н.А. Формирование скоростных маршрутов в городской транспортной системе // ИВД. 2015. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/formirovanie-skorostnyh-marshrutov-v-gorodskoy-transportnoy-sisteme> (date of access: 26.02.2021).
- Evaluation of complexity of urban bus routes, Tuygun Kodirov., Golibjon Togaev., Barno Kenjaeva., Yanvar 2023 E3s konferentsiyalar veb-sayti 365: 05005, DOI:10.1051/e3sconf/ 202336505005.
- Интеллектуальная транспортная система России: курс - на национальный масштаб. TAdviser., <https://www.tadviser.ru/index.php>.

